VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

40 (472) ● 2017 йил 27 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПАРЛАМЕНТИ СПИКЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимиз парламентлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, анъанавий яқин ва кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири экани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ҳам ўзаро, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида фаол ривожланмоқда.

Мамлакатимизда саноатни диверсификация қилиш ва инфратузилмани модернизациялаш бўйича устувор дастурларни амалга оширишда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган қўшма инвестиция лойиҳалари қиймати 7 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Фан-техника ва маданий-гуманитар, тиббиёт ва таълим, сайёҳлик соҳаларида ўзаро муносабатлар кенгайиб бормоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ва уларнинг алоҳида қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, парламентларда фаолият юритаётган дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўзаро ташриф ва қўшма тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, халқаро парламентлараро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Ўзбекистонда қабул қилинган мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислоҳотларни юксак баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Чон Сэ Гюн давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди. Юқори мартабали меҳмон Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг тез орада ушбу мамлакатга ташриф билан боришини кутаётганини таъкидлади.

Чон Сэ Гюн икки давлат парламентлари ҳамкорликда саъй-ҳаракатлар билан бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик жараёни ҳамда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга амалий ҳисса қўшишини қайд этди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 4916 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 211 та "Баркамол авлод" маркази мавжуд бўлиб, уларда жами 400 минг нафардан ортиқ педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 5 та давлат педагогика институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 14 та ҳудудий институт фаолият кўрсатмоқда.

Амалдаги тартибга асосан халқ таълими муассасалари педагоглари камида 5 йилда бир маротаба ўз малакаларини оширадилар. Ўқитувчилар малака ошириш давомида мамлакатимизда ва жаҳонда педагогика, психология ҳамда ўқув фани бўйича эришилган энг янги ютуқларни чуқур ўрганиб, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан хабардор бўлган ҳолда уларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Ходимлар илмий изланишлар билан шуғулланмайди, уларнинг фаолиятини ташқи баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, илғор хорижий тажрибалардан бехабар қолмоқдалар.

Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасалари тасарруфига бериш ҳамда улар негизида Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларини (кейинги ўринларда Ҳудудий марказлар деб аталади) иловага мувофиқ ташкил этиш;

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Республика илмий-педагогика кутубхонасини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ҳудудий марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

халқ таълими ходимларининг методик эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда ўқув-методик ишларни олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш;

масофадан ўқитиш усуллари асосида халқ таълими муассасалари педагоглари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, курслардаги ўқув машғулотларини онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этишни янада такомиллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумкасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш ҳамда улар бўйича замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратиш;

буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорликда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

ўқув-тарбия жараёнининг амалиёт билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини сайёр машғулотлар орқали замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган таълим муассасаларида ташкил этиш;

2-бет

Фракция позицияси

ҚОНУНЛАР ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қўйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам кўриб чиқилган ушбу қонун лойиҳалари партия дастурий мақсад-вазифалари нуқтаи назаридан муҳокама қилинди. Қўшида фракция аъзоларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари келтирилмоқда.



3-бет

Муносабат

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқини бутун Ўзбекистон халқи катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан туриб, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида аниқ далиллар, мисоллар билан ўз фикрларини баён этди.

"Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз", деди давлатимиз раҳбари. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бораётгани, барча соҳада чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётгани ва улардан кўзланган мақсад — "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган оддий ва аниқ-равшан тамойил эканини таъкидлади.

Айниқса, нутқда мамлакатимизда сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли тобора ортиб бораётгани, бу тизимда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, жойларга чиқиб одамларни ўйлантираётган муаммо-масалаларини ўрганиб, унга ижобий ечим топишга хизмат қилаётган янги механизмнинг ишлаб чиқилгани борасида тўхталгани сиёсий партияларга нисбатан ҳам юксак ишонч, ҳам катта масъулият демакдир. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий партиялардан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, давр талабига мос ҳаракат қилишни талаб этади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚ, ШАФФОФ ВА ЮКСАК ИНСОНИЙЛИК САЛОҲИЯТИГА ЭГА МАМЛАКАТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йоркдаги нутқи — хорижда Ўзбекистон ҳақида шаклланган эски қолипдаги тушунчаларни (стереотипларни) тубдан ўзгартириб юборди. Ўз навбатида, дунё ҳамжамиятининг мамлакатимизга ишончи бир неча карра ошди. Моҳиятан, бу мухтасар ва мазмунли нутқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамланган тинчлик ва хавфсизликни, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлашни, умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳамкорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига доир тамойилларга тўлиқ ва сўзсиз содиқ бўлган давлатнинг, шиддат билан ривожланаётган янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини намойиш этади.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги иштироки ва БМТ олий минбаридан илк бор сўзлаган нутқини кенг ёритган оммавий ахборот воситаларида бу каби аҳамиятли фикрлар кўплаб билдирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг эл-юртимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлган ушбу нутқи ҳамда унда илгари сурилган ташаббус ва таклифлар, ташриф доирасидаги учрашув ва тадбирлар хорижий оммавий ахборот воситалари ва Интернет ҳамжамиятининг ҳам диққат марказида бўлиб турибди.

4-бет

ДОНИШМАНДЛИК ЮКСАЛТИРАДИ

Миллий етакчимиз Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йоркка ташрифи ва БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи юртимиз аҳли қатори халқаро жамоатчиликда ҳам катта акс-садо уйғотгани бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Негаки, мазкур воқеа биргина Ўзбекистоннинг эмас, балки Марказий Осиё, постимперия ҳудуди, ҳатто Осиё ва ислом дунёсининг бундан буёнги сиёсий манзарасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра олиш имконини яратди, десак муболаға бўлмайди. Гап шундаки, минг йиллар давомида кишиликнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий, мафкуравий марказларидан бири бўлиб келган мамлакатимизнинг ҳар томонлама ва кенг имкониятлари мутахассислардан тортиб сиёсатчиларгача жуда яхши маълум.

Таърифга ҳожат йўқ – қараш, таҳлил ва башоратлари ҳатто мухолифларини ҳам қизиқтирган З.Бжезинский қаламига мансуб, "совуқ уруш" давридан кейинги босқич муносабатларидаги бош омилларни асослаб беришга бағишланган "Улкан шахмат тахтаси" асарида Ўзбекистонга алоҳида урғу берилгани шунчаки ҳурмат белгисию замона зайли эмас, албатта.

5-бет





"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларни таълим тизимига жорий этиш.

3. Белгилансинки, Ҳудудий марказлар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

юридик шахс мақомига эга давлат таълим муассасаси бўлиб, ўз мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзиладиган муҳрига эга бўлади;

илмий-методик таъминоти олий таълим муассасаларининг тегишли кафедралари томонидан амалга оширилади;

ўқув машғулотларини олиб боришга юқори малакали мутахассислар ҳамда ўриндошлик ёки соатбай ҳақ тўлаш асосида олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари жалб этилади;

ходимларига олий таълим муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади. Бунда бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативлари олий таълим муассасалари учун белгиланган бир нафар ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларидан 25 фоиз паст этиб белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари **Д.Набиев**:

бир ой муддатда жойларга чиққан ҳолда мазкур қарорга асосан ташкил этилаётган Ҳудудий марказлар жойлашиши, фаолияти сифатли таъминланиши шароитларини таҳлил қилсин;

икки ой муддатда Ҳудудий марказларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш юзасидан зарурий чораларни кўрсин;

ҳар уч ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериб борсин.

5. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ҳудудий марказлар учун таянч олий таълим муассасаси ҳисоблансин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқ таълими тизими ходимларининг касбий билимлари ва малакаларини ошириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шаклларини жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

таълимнинг илғор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ошириш чораларини кўриш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни, шунингдек, энг яхши таълим муассасаларининг ютуқларини оммалаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этиш.

6. Тасарруфида Ҳудудий марказлар ташкил этилган олий таълим муассасалари **ректорлари:**

бир ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Ҳудудий марказ фаолиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда Ҳудудий марказларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илғор шакл ва усулларини жорий этиш, таълим дастурларини такомиллаштириш, тегишли йўналишлар бўйича фанларнинг умумкасбий ва махсус блоклари бўйича қайта тайёрлаш, жумладан, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, онлайн режимда малака ошириш тизимини ташкил этсин;

халқ таълими муассасалари педагоглари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш, курслардаги ўқув машғулотларини сифатли ташкил этишга шахсан масъул этиб белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

Ҳудудий марказлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг намунавий ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Ҳудудий марказлар намунавий ташкилий тузилмасини ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқишда, ўқув-услубий жараёнини ташкил этишда таълим турлари ўртасида узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;

ҳар бир Ҳудудий марказ фаолиятини ривожлантириш концепцияларини тасдиқлаш.

8. Ҳудудий марказларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини таҳлил қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев бошчилигида махсус комиссия ташкил этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирларига ҳар икки ойда Ҳудудий марказларда малака оширган ва қайта тайёрланган халқ таълими ходимларининг жойлардаги фаолияти самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Ҳудудий марказлар фаолиятини такомиллаштириш чоралари бўйича таклифларини махсус комиссияга киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Педагог кадрлар малакасини оширишни назорат қилиш бўлими негизида, Халқ таълими вазирлигининг Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимини тугатиш ҳисобига қисқарадиган 2 та штат бирлигини ўтказишни инобатга олган ҳолда, 5 та штат бирлигидан иборат Педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси ташкил этилсин;

Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармасига қўшимча 1 та штат бирлиги ажратилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳудудий марказларни сақлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда**:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 4916 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 211 та "Баркамол авлод" маркази мавжуд бўлиб, уларда жами 400 минг нафардан ортиқ педагог ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 5 та давлат педагогика институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 14 та ҳудудий институт фаолият кўрсатмоқда.

Амалдаги тартибга асосан халқ таълими муассасалари педагоглари камида 5 йилда бир маротаба ўз малакаларини оширадилар. Ўқитувчилар малака ошириш давомида мамлакатимизда ва жаҳонда педагогика, психология ҳамда ўқув фани бўйича эришилган энг янги ютуқларни чуқур ўрганиб, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг имкониятларидан хабардор бўлган ҳолда уларни амалиётга татбиқ этиб келмоқдалар.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, дарс бериш сифати бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Ходимлар илмий изланишлар билан шуғулланмайди, уларнинг фаолиятини ташқи баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Ўтказилган таҳлиллар педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида халқ таълими ва олий таълим тизимлари ўртасида узлуксизлик ва узвийлик таъминланмаганлигини кўрсатди. Натижада умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари фаолияти давомида фанларни ўқитиш методикаси, таълим ва тарбия назарияси янгиликларидан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан, илғор хорижий тажрибалардан бехабар қолмоқдалар.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси борасида амалга оширилаётган ишлар давомида ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда:

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига бериш;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларини тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасалари тасарруфига бериш ҳамда улар негизида Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларини ташкил этиш;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Республика илмий-педагогика кутубхонасини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфига бериш.

Ташкил этилган Ҳудудий марказларнинг мақсад, вазифалари ҳамда юридик мақомлари белгиланган.

Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шаклларини жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик норматив асосларини ишлаб чиқиш, таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юклатилган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ҳудудий марказлар учун халқ таълими тизими ходимларининг касбий билимлари ва малакаларини ошириш ишларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш, намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланган.

Ҳудудий марказлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг намунавий ташкилий тузилмасини тасдиқлаш ҳамда уларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш бўйича вазифалар ва муддатлар белгиланган.

Иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг штатлар бирлиги янгидан тасдиқланган.

Қарор Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини кўтаришга хизмат қилади.

Муносабат

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг БМТ тузилмалари билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришини, ушбу нуфузли халқаро ташкилотни босқичма-босқич ислоҳ этиш зарурати мавжудлигини таъкидлади ва бир қатор амалий таклифларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида таклиф билдирди. Ёшлар келажагимиз экани, уларнинг тақдирига бефарқ, эътиборсиз қараш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан дунё воқеа — Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши азалий дўст ўзбек ва қирғиз халқининг асрий орзу-умидлари ушалишини таъминлади.

Андижон ва Ўш вилоятлари ўртасидаги "Дўстлик", Косонсой ҳамда Олабуқа туманлари ўртасидаги "Косонсой" чегара пунктларининг очилгани узоқ йиллар давомида борди-келди қилолмаган қўшни халқларнинг бугун бемалол алоқа қилиши учун шароит яратди.

Давлатимиз раҳбари БМТ саммитида шу йилнинг ноябрь ойида Самарқандда халқаро

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

жамоатчилигини яна бир бор огоҳлантирди.

Қўшни Афғонистонда тинчликни таъминлашга эришиш, қуриётган Орол денгизи муаммоси, Марказий Осиёда умумий сув манбаларидан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалаларда ҳам ўз қарашлари, аниқ фикрлари, таклифларини илгари сурди. Дунё ҳамжамиятини яна бир бор терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштиришга чақирди. Бу борада куч ишлатиш сиёсати кутилган натижани бермаётгани, терроризмнинг оқибатларидан кўра, унинг сабаблари билан қизиқиш тўғри бўлишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ўзининг бугунги ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, минтақада барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничиликни ривожлантириш, ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканлигини қайд этгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳақиқатдан ҳам, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли сўнгги пайтларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошиб, кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилгани минтақа халқларининг тарихий илдизлари ва мақсадлари муштарак эканлигини яна бир бор исботлади.

Бу ўринда Шавкат Мирзиёев томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифини минтақа халқлари тақдири учун жонкуярлик намунаси сифатида баҳолашимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуси минтақада прагматик сиёсатни амалга оширишга қаратилган. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаётгани, минтақадаги ижобий ўзгаришларга сифат жиҳатидан янгича руҳ бағишламоқда, унинг барқарор ва жадал суръатларда ривожланиши учун қулай шароитларни яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қисқа муддат ичида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан мазкур мамлакатга уч маротаба амалий ва давлат ташрифи билан борди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан 6 марта учрашди. ШҲТнинг Остона саммити доирасида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан мулоқотда бўлди. 9-10 сентябрь кунлари Қозоғистонда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан иккинчи марта учрашди.

Шунингдек, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россияда, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 11-13 май кунлари давлат ташрифи билан Хитойда, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев таклифига биноан 5 сентябрь куни давлат ташрифи билан Бишкек шаҳрида бўлди.

Мазкур учрашувларнинг барчаси Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничилик мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, мамлакатимиз бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу — ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўл. Минтақада барқарорлик, изчил тараққиёт ва тинчлик-осойишталик таъминланишида, албатта, яхши қўшничилик алоқаларининг ўрни беқиёс.

Давлатимизнинг бу борадаги ташқи сиёсати минтақамизда сиёсий ишонч даражаси ошиши, принципиал жиҳатдан муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда халқлар ўртасида қўшничилик муносабатлари яхшиланишига хизмат қилаётир. Хусусан, яқинда амалга оширилган тарихий ҳамжамият шафелигида ўтказиладиган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро анжуманда ҳам минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилганига эътибор қаратди.

Минтақа мамлакатлари раҳбарлари билан учрашувларда Президентимиз минтақа ёхуд халқаро майдонда содир бўлаётган ҳар қандай масалага тинч йўл билан ёндашиш лозимлигини билдирмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти экани, донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлилиги, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдан иборатлигини эътироф этди. Ўзбекистон ўз позициясини фақат сўзда эмас, амалда ҳам кўрсатмоқда: мамлакатимиз қўшни Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президентимиз нутқида яна бир муҳим масала — бугунги глобаллашув даврида жаҳонда терроризм таҳдидлари тобора кўпайиб бораётгани, дунёда ислом дини ғоялари ва маданияти нотўғри талқин қилинаётгани, шу боис бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш асосий вазифа эканлигига эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Боиси она заминимиз ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда ўз даврида инсониятга ислом дини маданияти, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этган буюк алломаларимиз Бухорий ва Термизийларнинг бу мазмундаги асарларини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда.

Ёш авлодни "жаҳолатга қарши — маърифат" шиори остида тарбиялаш, аждодларимизнинг бой илмий, маънавий меросини кенг ўрганиш ва жаҳон афкор оммасига таништириш мақсадида Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилаётгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз саммитда БМТ Бош Ассамблеясига "Маърифат ва диний бағрикенглик" ҳақида махсус резолюция қабул қилиш таклифини билдирди. Бундан кутилган мақсад — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, диний эркинлик, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан бундай таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабабларни янада чуқурроқ ўрганишимиз, уларни бартараф қилишнинг оқилона ечимларини ишлаб чиқишимиз лозим. Маърузада қайд этилганидек, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида таъкидланган ҳар бир масала ва йўналиш миллий давлатчилик манфаатлари устуворлигига, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки ҳарбий таҳдиддан тийилиш, чегаралар дахлсизлиги ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа меъёрларига оғишмай амал қилиш каби тамойилларга асосланган, деб билади ва қўллаб-қувватлайди. Жойларда ўтказиладиган учрашув ва мулоқотлар давомида мазкур тарихий нутқнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш олдимизда турган устувор вазифадир.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

Фракция позицияси

ҚОНУНЛАР ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида назарда тутилган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциямиз ташаббуси билан киритилган. Чунки 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлгач, бу борада махсус қонун қабул қилинишига ҳам ҳуқуқий замин яратилди, ҳам катта эҳтиёж пайдо бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида миллий тажриба, яъни бугунги кунда қонунчилигимизда жамоатчилик назорати билан боғлиқ мавжуд меъёрлар, мутахассисларнинг назарий-амалий қарашлари ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил этилди. Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади — давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида санаб ўтилмоқда. Шунингдек, унда жамоатчилик назоратининг объекти, асосий принциплари ва шакллари белгиланмоқда. Унга мувофиқ қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамият манфаатлари ҳамда жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши, жамият, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлаш, улар зиммасига юклатилган жамият манфаатларига дахлдор вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасидаги битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилиши жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланди. Қонун лойиҳасига жамоатчилик назоратининг давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, уларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш каби 8 шакли киритилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик назорати натижаларини расмийлаштириш тартиби, жамоатчилик назорати субъектларининг ва давлат органларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари очиб берилмоқда.

Жамоатчилик назорати институтини ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал тартибга солиш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳияти, аҳамияти билан ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг. Партия ғояларини, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик назорати институти муҳим ўрин тутади. Шунингдек, партия аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга кўмаклашиш, уларнинг жамоатчилик назоратини олиб борувчи субъект сифатидаги вазифа ва масъулиятини амалга оширишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида ўз фикр-мулоҳазалари, ҳаётий таклифлари билан фаол иштирок этади.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Фракциямиз йиғилиши ҳамда қуйи палата мажлисида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциядошларимиз томонидан қизғин муҳокама этилди. Чунки ушбу қонун лойиҳаси ўз моҳияти билан айнан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белиланган дастурий вазифалар ижросига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 29 июнь куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманига ташрифи давомида миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, бу борада маҳалланинг ролини кучайтириш масалаларига тўхталиб, ушбу йўналишда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазифасини топширган эди. Айни шу мақсадда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига тегишли қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Унга кўра, суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилган тақдирда, оилани сақлаб қолиш учун муайян чоралар кўриш мақсадида тегишли фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари ҳам эр-хотин томонидан ажрашиш учун ариза берилганда, тегишли фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига хабар бериши белгилаб қўйилмоқда.

Маълумки, яраштириш комиссиясининг мақсади — фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Чунки яраштириш комиссияси оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқиши натижасида кўплаб муаммоли оилалар яраштирилиши ва сақлаб қолиниши мумкин. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, судлар ва ФҲДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратиш билан боғлиқ кўрилаётган ишлар тўғрисида яраштириш комиссияларига маълумотлар тақдим этилмаслиги оқибатида комиссиялар кўп ҳолатда ажралаётган оилалар ҳақида бехабар қолмоқда ва уларни яраштириш бўйича чоралар кўриш имкониятидан маҳрум бўлаётир.

Суд ва ФҲДЁ органлари никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларнинг мавжудлиги тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор этиши амалда кўплаб оилаларни сақлаб қолишга хизмат қилади. Бу эса ЎзМТДП сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, оила, турмуш манбаида туғиладиган турли низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш каби мақсадларимизга тўла мос келади. Партиямиз ҳар қандай низони халқимизга хос оғир-вазминлик ва чуқур мулоҳаза билан ҳал этиш, муроса йўлини излаш, фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш мақсадини илгари суради. Фракциямиз аъзолари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, муҳокама қилинган қонун лойиҳасини концептуал-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

**Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП дастури — амалда

"ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ



"Ўзбекистон Марказий Осиё марваридидир. Икки дарё оралиғида жойлашган ушбу давлат Буюк ипак йўлининг энг муҳим бўғини саналган. Мамлакатдаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик, шунингдек, қизиқарли сайёҳлик маршрутлари, меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат дунёнинг турли бурчакларидан туристларни ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистонда сайёҳларга Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари афсонавий шаҳарларни бориб кўришни таклиф этишади. Чунки ушбу кентларда замонавий иншоотлар билан бирга, миллий анъана ҳамда қадриятларни ўзида мужассам этган шарқона бозор, гузар ва чойхоналар мавжуд. Расталардаги миллий матолар, айниқса, эътиборни тортади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси Буюк ипак йўли даври ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради…".

Бу — мамлакатимизнинг бой тарихи, табиати, маданий мероси, урф-одат ва қадриятлари, туристик салоҳияти таърифи. АҚШнинг инглиз ва француз тилларида фаолият кўрсатувчи, 80 миллион ўқувчига эга "The Huffington Post" Интернет нашрида мамлакатимиз дунёнинг бой маданий марказларидан бири, улкан туризм салоҳиятига эга юрт сифатида эътироф этилади. Ушбу нашр эълон қилган энг яхши ва истиқболли сайёҳлик йўналишларига эга 15 давлат қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, соҳа фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббускор бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партия мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб ҳисоблайди, бу бойликни жаҳон демократик ҳамжамияти умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиши йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга интилади. Шу боис Президентимиз маърузасидаги танқидий фикрлар партия вакилларини янада масъулият билан ишлашга, сайловолди ваъдаларни бажаришда амалий ишларни илгари суришга ундамоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Хоразм, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўрганиш олиб бордилар.

— Ўрганишлар мобайнида асосий эътибор "Туризм тўғрисида"ги қонун ва Президентимизнинг туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари жойларда қандай ижро этилаётганига қаратилди, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Шунингдек, туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, соҳада тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, унга доир статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш борасида жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Туризм соҳаси билан бевосита боғлиқ касб эгалари билан учрашиб, уларнинг таклиф, фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Ўрганишлар асносида муайян хулосаларга келинди. Соҳани ривожлантириш учун "давлат-хусусий шериклик" тамойилларини кенг жорий этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, янги меҳмонхоналар қуриш учун етакчи меҳмонхона брендларини таклиф қилиш ёки мамлакатимиздаги меҳмонхона хўжаликларини улар бошқарувига бериш бўйича чоралар кўриш, туризмни ривожлантириш бўйича тасдиқланадиган ҳудудий дастурлар ижросини, ҳудудларда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш ва жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф қилишга қаратилган ишлар самарадорлигини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари чет давлатлар фуқаролари, хорижлик туристлар, жумладан, зиёрат қилиш мақсадида келаётган сайёҳлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартибларини босқичма-босқич соддалаштиришга доир таклифлар тайёрлаш, сайёҳларни жалб қилиш бўйича реклама тадбирларини ўтказиш, логистика, чартер рейсларни ташкил этиш ва нарх сиёсатини иқтисодий асослантирилган даражада қайта кўриб чиқиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан туроператор ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига ер участкалари ажратиш, қурилиш ишларининг бошланиши ва сифатли якунига етказилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлиги қайд этилди.

Ички туризмни ривожлантириш, унинг доирасида ёшлар туризми бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм компаниялари вакиллари учун бепул саёҳатлар уюштиришга шарт-шароитлар яратиш, Хива "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонасидаги маданий мерос объектларининг консервацияси ва реставрациясини самарали амалга ошириш мақсадида улар устидан ягона бошқарув тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги белгиланди.

Ушбу ўрганишлар авваламбор ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш вазифасини ҳаётга тадбиқ этиш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш ҳамда жойларда туризм салоҳиятини тўла ишга солиш борасидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Фракция фаолияти

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ, ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ

БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 сентябрдаги "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги, "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэронавтика" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги, 15 сентябрдаги "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг ижросини таъминлашда ЎзМТДП фракциясининг фаол иштироки масалалари муҳокама қилинди.

Ватанимиз буюк мутафаккирлар, олиму фузалоларга бешик бўлган замин: Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари буюк мутафаккир боболаримиз жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳамиша эътироф этади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорлари аниқ фанларнинг келгусидаги ривожини таъминлаш, бу борада ёшларнинг билимини бойитиш, юксак марраларни забт этишига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

— Улуғ аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиши соҳада хизмат қилишга қодир кадрларни тайёрлашда долзарб аҳамият касб этади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова. — Бундай мактаб улуғ аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, ўрганиш ва тадқиқ этиш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларга аниқ фанларнинг юксак чўққиларини забт этиш, бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иқтидорини аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар базасини яратишга хизмат қилади.

Ихтисослаштирилган мактаб ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилган ҳолда ёшларнинг математика, физика, информатика ва чет тили фанларини чуқур ўзлаштиришда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўникмаларга эга бўлишда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, мазкур соҳада юқори маҳоратга эга педагогларни ҳамда мутахассисларни жалб қилган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси махсус мактабини яратиш, ёш математиклар, ёш физиклар, ёш дастурчилар, ёш ихтирочилар жамоаларини тузиш, уларнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларида мунтазам ва самарали иштирокини таъминлашни ташкил этиш мактабнинг асосий вазифаларидандир. Соҳа ривожи ҳамда кадрлар тайёрлаш борасида муҳим аҳамият касб этадиган "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлашда фракциямиз аъзолари ҳам фаол иштирок этиши лозим. Зеро, ушбу ҳужжат ўз моҳияти билан партиямизнинг илм-фан ривожига ҳисса қўшиш, аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этишга кўмаклашиш сингари дастурий вазифаларига мос.

Фракция аъзолари "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэронавтика" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор мазмун-моҳиятига тўхталар экан, астрономик тадқиқотлар илдизи Ўзбекистонда узоқ ўтмишга бориб тақалишини, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, айниқса Мирзо Улуғбек каби буюк мутафаккир аждодларимиз математика ва астрономия ривожланишига улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Мазкур қарор ўсиб келаётган ёш авлодни халқимизнинг астрономияни ўрганишдаги буюк анъаналари руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларнинг астрономия ва аэрокосмос фаолияти соҳасидаги миллий ва дунё илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган иштиёқини ривожлантириш, ёшларнинг аэрокосмик фан ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Қарорга мувофиқ Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилади. 2018-2019 ўқув йилидан мактабга 7-синфдан бошлаб ҳар бир синфда 20 нафардан ўқувчи қабул қилинади.

Фракция аъзолари қайд этганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш борасида белгиланган мақсад-вазифалар асосида қабул қилинган мазкур қарор иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда изланувчан ёшларни илмий-тадқиқот йўналишида тайёрлашга хизмат қилади.

Йиғилишда "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда кўзда тутилган мақсад-вазифалар фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

— Айни пайтда мамлакатимизда 43 нодавлат умумий ўрта таълим мактаби тегишли лицензияга эга бўлиб, халқ таълими тизимидаги 9 минг 680 мактабга нисбатан уларнинг улуши 0,4 фоизни ташкил этади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова. — Бу кўрсаткич қатор ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан, Германияда 12 фоиз, Францияда 17, АҚШда 18, Буюк Британияда 20, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори таълим сифатини яхшилашда рақобат муҳитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қарорда нодавлат таълим муассасаларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва аввал ажратилган кредитлар муддатини узайтириш, таълим ва унга тегишли хизматлар бўйича барча солиқ турлари тўловларидан 2021 йилгача озод этиш, фанларни чет тилида чуқурлаштириб ўқитиш ва бу орқали таълим сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига хорижлик ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб этиш назарда тутилган. Хусусий таълим секторининг ривожланиши ҳар бир туман ва шаҳарда фуқароларнинг сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини, ёшларга муносиб ва самарали таълим-тарбия бериш шароитларини кенгайтиради.

Фракция аъзолари йиғилишда кўриб чиқилган ҳар бир қарор бўйича партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар. Қайд этилганидек, ушбу қарорларда ўз ифодасини топган мақсадлар ЎзМТДПнинг таълим, илм-фан соҳасини ривожлантириш, зиёлиларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлод камолотига кўмаклашиш сингари вазифалари билан муштарак. Мазкур ҳужжатларда кўзланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўз ҳиссасини қўшиш лозимлиги таъкидланди.

**Мухтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚ, ШАФФОФ ВА ЮКСАК ИНСОНИЙЛИК САЛОҲИЯТИГА ЭГА МАМЛАКАТ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон Президентининг нутқи дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, БМТнинг ролини янада оширишга қаратилган муҳим ташаббусларни ўзида мужассам этгани боис давлат раҳбарлари, халқаро экспертлар, сиёсатшуносларда катта қизиқиш уйғотди.

Бугун дунё жамоатчилиги, ишбилармонлар, олиму тадқиқотчилар Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсий фаолиятга, айниқса, қўшни давлатлар билан рақобат асосида эмас, ҳамкорликка асосланган, аҳил, ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш саъй-ҳаракатларига хайрихоҳлик билан қарамоқда. Чунки **"Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янгиланаётган, янги қиёфаси шаклланаётган Ўзбекистон қайси йўлдан боради, ташқи сиёсатда қандай тамойил асосида иш тутади, халқаро майдонда ўзини қайси хусусиятлари билан намоён этади?!"** деган саволларга жавоб топиш кўпчилик учун жуда муҳим.

Президентимиз нутқида уч гуруҳ, бошқача айтганда, учта даражадаги муаммолар кўтарилди:

биринчидан, миллий даражада — янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги қиёфаси чизгилари;

иккинчидан, минтақавий даражада — Марказий Осиё ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши экани;

учинчидан, умумжаҳон (универсал) даражада — БМТ ва глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати ва халқаро миқёсдаги ташаббуслари.

Стратегия — янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастури

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамиятнинг энг олий минбарида туриб, мамлакатимизда сўнгги бир йил мобайнида амалга оширилаётган халқчил сиёсатнинг энг муҳим йўналишларини сарҳисоб қилди. Бу шиддатли ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад — юртимизда Конституциямизда мустаҳкамланган халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий этиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат эканини батафсил таҳлил қилиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон шиддат билан жадал ривожланмоқда, жамиятимизда сиёсий-ҳуқуқий фаоллик изчил ортмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, демократик ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Натижада мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йилнинг ўтган қисқа даврида ҳаётимизнинг барча соҳаларида муҳим марра ва самаралар қўлга киритилди. Хусусан, юртимиз ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилгани туфайли ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқаро бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш имконига эга бўлди.

Ўз навбатида, Ҳаракатлар стратегияси ва уни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун мурожаатлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга, яъни бундан буён бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолдирилмайдиган халқчил ва адолатли тартиб-таомилга ўтаётганимиздан ёркин далолатдир. Қонуннинг туб моҳиятига конституциявий қоида бўлган **"халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак"**, деган эзгу ғоя сингдирилгани буни амалда тасдиқлаб турибди.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилгани ҳам ниҳоятда муҳимдир. Фарзандларимизнинг ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида сўз борганда, шунингдек, Президентимиз томонидан яқинда имзоланган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг аҳамиятини таъкидлаш лозим.

2018 йил 9 мартда кучга кирадиган ва юртимиз ҳаётида янги ижтимоий муносабатларни белгилаб берадиган ушбу Қонунда, аввало, ота-оналарга фарзандларини тарбиялаш, уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахборот хавфсизлигининг қонуний белгиланган кафолатлари тизимини яратиш, уларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш белгиланган. Келгусида бу талабларни амалга ошириш нафақат келажагимиз эгаларини зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш масъулияти, балки ҳар биримизнинг фаол фуқаролик позициямиз билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ортиб бормоқда. Президентимизнинг шу йил 12 июлда парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилган ҳолда, ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда холис таҳлил қилингани бу борада кучли туртки бўлди. Бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади"**.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг жорий йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табригида уқтирилганидек, эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билиш — бугунги кунда ҳақиқий журналист учун ҳам давр талаби, ҳам виждон ишидир.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг нутқида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилган бир қанча самарали қадамлар санаб ўтилди ва БМТ Бош Ассамблеяси сессияси иштирокчилари эътиборини тортди. Яъни:

– одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари бекор қилингани;

– шахсни қамоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилгани;

– инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилаётгани;

– илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилгани;

– БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ташрифи якунлари бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн билан учрашувларида ҳам ушбу ҳужжатнинг аҳамияти эътироф этилди. Бинобарин июнь ойида Ўзбекистон парламенти қабул қилган БМТ Олий комиссари Бошқармаси билан ҳамкорлик бўйича 90 дан ортиқ тадбирдан иборат мазкур ҳаракатлар режаси изчиллик билан амалда татбиқ этилмоқда.

Бу амалий ишларнинг барчаси БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг "йўл харитаси" бўлган Ҳаракатлар стратегиясига уйғун ва ҳамоҳангдир. Улардан кўзланган мақсад, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун"** деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Бундай ташаббуслар, ўз навбатида, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётганини англатади ва бошқа давлатларга ўрнак бўлишга муносибдир.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё сари

Президентимиз Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган мамлакатимиз ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор ҳисобланади. Бинобарин, **"Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир".**

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илк ташрифи минтақамиз доирасида — Туркманистонга амалга оширилди. Ўтган ярим йилдан кўпроқ муддат ичида мамлакатимиз раҳбари Туркманистон ва Қозоғистонга — бир неча марта, шунингдек, Қирғизистонга ташриф буюрди. Ўз навбатида, минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари бошчилигидаги расмий делегацияларнинг юртимизга расмий ташрифлари ҳам фаоллашди.

Бунинг натижасида кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзолангани буни яққол тасдиқлайди.

Бу том маънода муҳим воқеадир. Нега деганда, Ўзбекистон ва Қирғизистон икки ўзаро азалий қардош ва ҳамкор давлат сифатида ўз сиёсий иродасини, биргаликда мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намоён этгани туфайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди.

Шу маънода, 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда БМТ шафелигида ўтказиладиган **"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик"** мавзусидаги халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилаётгани айни муддаодир. Бўлажак нуфузли халқаро анжуман якунида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилиниши кутилмоқда.



Дарвоқе, давлатимиз раҳбари БМТ Бош котиби билан мулоқоти чоғида Антониу Гутерришнинг шу йил июнь ойида Самарқанд шаҳрига ташрифи доирасидаги ўзаро учрашувларини катта мамнуният билан эсга олар экан, уни Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осиёда хавфсизлик бўйича халқаро анжуманга таклиф қилди.

БМТ раҳбарияти билан Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро ва минтақавий долзарб масалаларнинг аксарияти бўйича фикр ва қарашлари ўхшаш экани ғоятда аҳамиятлидир. Хусусан, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалада БМТ Бош котибининг **"сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ"**, деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз, деди Президентимиз.

БМТ Бош котиби ўзаро учрашувда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга ўзгаришларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлаб, Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилаётган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳолади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн ҳам ўзаро учрашув чоғида ўз Бошқармасининг Бишкекдаги минтақавий офиси билан фаол ҳамкорлик ривожланаётгани, хусусан, сентябрь ойи бошида ушбу офис раҳбари Ўзбекистонда бўлганини мамнуният билан қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни қўллаб-қувватлаётгани учун Олий комиссарга миннатдорлик билдириш асносида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинишининг 70 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида **Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми**ни ўтказиш ғоясини илгари сурди. Шу маънода, 2018 йили Самарқандда яна бир йирик халқаро анжуман ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида глобал ҳамкорлик

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиқлигини, барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини амалда намойиш этди. Бу саъй-ҳаракатлар эса ягона мақсадни, Президентимиз таъкидлаганидек, инсон, унинг эҳтиёж ҳамда манфаатларини таъминлашни кўзлайди.

Биринчидан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон БМТнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдори эканини тасдиқлади. Хусусан, биз Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

Президентимиз, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича ишлаб чиқилган "йўл харитаси"нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилаётганини таъкидлади. БМТ Бош котиби билан мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий масалалар бўйича ўзаро фикр алмашиш пайтида ҳам айни мавзуга тўхтаб ўтилди.

Иккинчидан, БМТ минбаридан бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири — Орол ҳалокатига яна бир бор эътибор қаратилди. БМТ Бош котибининг шу йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи вақтида Антониу Гутерришга Орол денгизининг бугунги аҳволи ва минтақадаги экологик ҳолат ҳақида сўзлаб берилган эди.

Бир вақтлар мавж уриб турган денгизнинг суви кейинги 50-55 йилда 15 мартадан зиёд камайиб, сув сатҳи 29 метрга пасайган, худудда 5,5 миллион гектар тузли қум майдонлари ҳосил бўлган. Бу ҳолат минтақа табиати, одамлар ҳаёти, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига салбий таъсир кўрсатмоқда. Денгизнинг қуриган ҳудудида 350 минг гектарга иқлимга мос қандим, черкес, саксовул экилиб, тузли чанг-тўзон кўчишининг олди олинмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд 50 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур асосида Мўйноқ туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Антониу Гутерришга Орол денгизидаги "кемалар қабристони" кучли таъсир қилган ва Орол денгизини фожиали, яъни қуриб қолган аҳволда кўрган БМТ Бош котиби қуйидаги жиддий баёнотларни берган эди:

– "Орол денгизининг аста-секин қуриши иқлим туфайли эмас, сув ресурсларининг инсон томонидан нотўғри бошқарилиши натижасида рўй берган";

– "Орол денгизи сайёрамиз инсоният томонидан йўқ қилинаётганининг тимсолига айланиши керак. Бу катта фожиадан сабоқ чиқариш ва бутун жаҳон ҳамжамиятини Иқлим бўйича Париж битимини бажаришга сафарбар этишимиз зарур";

– "Мен Марказий Осиё давлатларини сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича минтақавий битимга эришишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканига ишонтириш учун астойдил ҳаракат қиламан";

– "гарчи БМТ ўз ресурсларига эга бўлмаса-да, шунга қарамай, биз донор-мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтларидан зарур маблағларни жалб этиш чораларини кўрамиз".

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бунга қадар Амударё ва Сирдарё бўйича иккита конвенция лойиҳасини тарқатган бўлиб, Мўйноқ сафари ва Оролбўйи аҳолиси билан мулоқотлар ушбу муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлади.

Учинчидан, Ўзбекистон Президенти билан бу гал Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувида Антониу Гутерриш **Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция**ни илгари суриш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокат оқибатларини юмшатишга халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш учун барча имкониятларини ишга солишини билдирди.

Тўртинчидан, БМТ Бош котиби Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилаётган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳолади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан сўзлаган нутқида афғон муаммоси ҳақида ҳам тўхталиб, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади, дея таъкидлади.

Энг муҳими, Антониу Гутерриш Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблея 72-сессиясидаги нутқи ниҳоятда мазмундор бўлганини эътироф этиб, Ўзбекистон раҳбари БМТнинг юксак минбаридан туриб билдирган ташаббусларни халқаро майдонда илгари суришга кўмаклашишга тайёрлигини қайд этди. Бундай юксак ишонч ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир.

Президентимизнинг БМТ минбаридан илгари сурган халқаро ташаббуслари ҳақида сўз бораётган экан, **биринчидан**, БМТнинг **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини** ишлаб чиқиш таклиф этилгани ҳақида тўхталиш даркор. Бу ташаббус глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда уни амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳужжат қабул қилинишига хизмат қилиши билан жуда муҳимдир.

Ушбу ташаббуснинг туб моҳияти ва аҳамияти шундаки, бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Афсуски, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Иккинчидан, Президентимиз 72-сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг **"Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюциясини** қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Мамлакатимиз раҳбари изоҳлаб берганидек, ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи жаҳон ҳамжамиятига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш йўлидаги яна бир улкан тарихий қадам бўлганини очиқ эътироф этиш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Биргина факт — БМТ ташкил топган қарийб 70 йилдан буён ушбу нуфузли халқаро ташкилот юксак минбаридан илк марта ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган буюк аждодимиз Имом Бухорий ҳазратларининг номлари тилга олинди ва бундан барчамизнинг қалбимиз чексиз ғурурга тўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Мамлакатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан сўзлаган нутқи нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотаётганининг туб сабаблари ҳам шунда.



Акмал САИДОВ,
ЎзМТДП
фракцияси
аъзоси

ДОНИШМАНДЛИК ЮКСАЛТИРАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Зеро, 2700 йиллик давлатчилик ўтмишига эга, бой ва салобатли тарихий мероси бор, ўз анъаналарига содиқ, миллий ўзлиги кучли, меҳнаткашлиги ва қобилиятлилигига шубҳа йўқ ўзбек жамиятининг янгича шароитлардаги мустақил тараққиёти эртами-кеч катта қудратга айланибгина қолмай, ёнатрофга сезиларли, ҳатто кескин таъсир кўрсатишини чамалаш унга ҳам, бошқа билимдонларга ҳам қийинчилик туғдирмасди. Асримизнинг иккинчи ўн йиллигининг бошларидан буёғига узоқ-яқиндаги ва турли мақомдаги таҳлилчиларни қизиқтириб, безовталантириб келган – Ўзбекистонда wю бериши муқаррар ҳокимият алмашувидан кейинги давр мавзуси йилма-йил долзарблашиб борганлигининг асосий сабаби ҳам шунда, деб ишонамиз. Қайсидир башоратчилар ёмон нафас қилганлари ҳам бор гап. Улар орасида илк босқичда самара берган, бироқ вақт ўтган сайин замон талаблари босимига дош беролмаётган қараш ва ёндашувларнинг сақланиб қолиши оқибатида биз ўзбеклар камида "ўз ёғимизда ўзимиз қовурилиб ётишимиз"дан манфаатдорлар ҳам бўлгани борасида шубҳа йўқ. Аммо тақдир яна бир бор бизга кулиб боқди, ҳаммаси салоҳиятли ва орзу-умидлари катта ва ҳақли миллатимиз фойдасига ҳал бўлди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг бир йиллик фаолияти ҳаётимизнинг барча йўналишлари асосларини сифат жиҳатидан ўзгартириб, истак ва имкониятларимизга мос натижалар беришга қолмай, ўзгаришлар илинжида яшаётган узоқ-яқин минтақа ва мамлакатларга ҳам ўрнак ўлароқ ўз ижобий таъсирини ўтказа бошлагани ҳам айни ҳақиқатдир. Ташқи сиёсатда танланган ва амалга оширилаётган оқилона йўлнинг мазмун-моҳиятию қирралари, энг муҳими, кўзга ташланаётган самараларини ҳам умумлаштириб хулоса қилинса, эндиги Ўзбекистон назарий жиҳатдан, қоғозда эмас, балки амалда Марказий Осиёнинг юраги эканлиги, юртимизда кечаётган жараён ҳали замон янада кенг миқёсдаги жараёнларни тўлқинлантириб юбориши аёнлашди-қолди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ олий минбаридаги чиқишига нисбатан катта ва алоҳида эътиборнинг асл сабаби худди шу омиллар билан чамбарчас боғлиқлигига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Миллий етакчи ўзи мансуб халқ ва давлатнинг юзи, интилиш ва мақсадларининг инъикоси, мамлакат салоҳияти ва ғайратининг кўрсаткичи, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугунги Ўзбекистонда кечаётган тарихий ўзгаришлар, ташқи дунёга қарашлар мантиқий кетма-кетликда, аниқ-тиниқ, лўнда, ҳаммага тушунарли тарзда тақдим этилган нутқни биз айнан шу нуқтаи назардан баҳолаган бўлардик. Сиёсий фаоллиги ортиб бораётган жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад – **"Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун"** деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборатлиги жаҳон афкор оммасига



етказилди. Зеро, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, барча соҳаларни модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек мақсадларга хизмат қилаётгани бунинг яққол далилидир. **"Бу стратегияни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик"** дея очиқ-ойдин айтилишида эса мамлакатимиз тараққиётининг барча соҳалари истиқболи чуқур ифода этилган. Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига оид баёнот эса демократлаштириш жараёнининг назария ва амалиётида ҳали қўлланилмаган самарали ёндашувлар ҳам борлигини аёнлаштирибгина қолмай катта қизиқиш, ҳатто интилиш уйғотгани ҳам тайин.

Бошланган иқтисодий сиёсат негизида **"халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади"** ёндашуви ётганлиги ҳақидаги таъкид оддий инсонлар кўнглидан мустаҳкам ўрин олгани шубҳасиздир. Негаки, ким ва қаерданлиги, ирқи, миллати, эътиқодига қарамай XXI аср имкониятлари даражасида яхши яшаш, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариш, шунга яраша даромад топиш учун меҳнат шароитларига эга бўлишни хоҳлайди. Демак, мазкур оддий ва табиий интилишни сиёсат даражасига кўтарган шахс ва давлатни албатта, ёқлайди.

Маърузада минтақамизнинг бугуни ва эртаси борасида изҳор этилган қатъий қарашлар халқаро таҳлилчилар, айниқса ялпи сиёсат билимдонларини ўйга солиб қўйгани аён. Негаки, айнан 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев чорак асрдан сал ошиқроқ бурун мустақил ривожланишни бошлаган Марказий Осиё ҳаётида туб ўзгаришлар бошлангани, мазкур кенглик янги сифат босқичига қадам қўйганини барчага узил-кесил билдирди, десак рўй берган воқеанинг тарихий аҳамиятини тўғри баҳолаган бўламиз. Эътибор беринг: **"Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир"**. Бу шунчаки яхши ният эмас, балки **"ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди"**. Агар миллий етакчимизнинг "парчалаб, ҳукмронлик қил" қоидаси энди ўтмаслиги ҳақида Бишкекка ташриф чоғида айтган фикрларини ҳам кўзда тутсак, эскича қарашлар минтақамиз ичида ҳам, ташқарисида ҳам тарихга айлангани, айланиши кераклиги аёнлашади-қолади, тамом-вассалом!

Яна бир муҳим жиҳат Марказий Осиёга нисбатан эндиги сиёсатнинг асослари қатъий белгилаб берилгани билан боғлиқдир: тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққиёт йўлида ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш. Қўшниларимиз билан ҳар қандай масала юзасидан ҳамкорликда, оқилона муросага тайёрликни билдириш кучли давлат ва шахсга хослиги баробарида бошқаларни ҳам худди шу тарзда иш тутишга чорлашдир, албатта.

Фикримизча, Марказий Осиё доирасида изчил олға сурилаётган сиёсат борасида Президентимиз томонидан билдирилган ёндашувлар моҳият эътибори билан ўзга минтақа ва мамлакатлар билан муносабатлар асосига ҳам ўзига хос ишорадир. Буни ўтган қисқа муддат ичида Россия, Хитой ва бошқа қатор давлатлар билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорликда ҳам кўриш мумкин.

БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон учун яна бир, анчадан буён халқаро ҳаёт, хусусан, алоҳида жамиятларни ларзага солиб келаётган масала аҳамиятсиз эмаслиги билдирилди. Билдирилганда ҳам ҳамма учун таниш, сийқа қолип даъватлар тарзида эмас, балки тугунларнинг ташхиси ва уларни ечишнинг самарали воситаларини аниқ белгилаш орқали билдирилди. Бу ўринда гап террорчилик ва экстремизм тахдиди ҳамда ислом дини ҳимояси ҳақида кетмоқда.

Капитализм ва коммунизм қарама-қаршилиги байроқлари остида ўтган "совуқ уруш" даври тугагач, энди қайси омил халқаро муносабатлар торини чертиши сўроғи сиёсатчию сиёсатшуносларни "қийнагани" яхши маълум. Гарчи уларнинг энг номдорлари (масалан, С. Хантингтон, З. Бжезинский) янгича шароитдаги халқаро муносабатлар туғини бундан буён цивилизациялар, дунёвий Ғарб ва Осиё, ислом дини ўртасидаги рақобат еллари ҳилпиратадилар, ғояси – башоратини илгари сурсалар-да, аслида бу эски дунёнинг замонавий ҳаммомида ўша эски тоснинг қиммати ва таъсири сақланиб қолаверишини билдириб қўйганлар. Салб юришлари, ғазовот (жиҳод), капитализм, коммунизм – дунё ишларининг узоқ ва яқин ўтмишида баҳонаю сабаб бўлган, барчамиз учун яхши таниш мазкур омиллар негизида халқаро муносабатларни қарама-қарши кутбларга ажратиб ташкиллаштириш орқали сиёсий, иқтисодий муддаоларга эришиш мақсади ёттанлигини англаш мушкул эмас, деб санаймиз. Энди эса катта майдонга яна диний – ислом омили чиқарилмоқда. Чиқарилганда ҳам навбатдаги "олабўжи" — террорчи суратида тақдим этилмоқда.

Муқаддас динимизнинг ёмонотлиқ кўйига тушишида шартли тарздаги ислом дунёсининг ҳам яхшигина айби бор (шартли дейишимизнинг сабаби мусулмонлар кўпчиликни ташкил этадиган мамлакатлар сирасида дунёвий асосдаги давлатларнинг борлиги билан боғлиқдир). Узоққа бормасдан, мазкур дунё вакил-раҳбарларининг тилга олинган сессиядаги чиқишларида кўтарилган масалаларга кўз ташлашнинг ўзи етарли бўлади (қаранг: https//gadebate.un.org/en/72). Асосан ўз дардларини дастурхон қилишдан иборат ушбу маърузаларнинг деярли ҳаммасида мусулмончиликнинг асл табиати, тарихий-фалсафий мазмундаги кишилик цивилизациясидаги ўз ўрни ва тенгсиз аҳамияти мавзуси йўқ ҳисоби! Бинобарин, ислом дунёсининг кўргиликлари илдизининг таҳлилини худди шу жиҳатдан бошлаган маъқулдир. Балки мазкур кенглик ҳар бир аъзосининг "ўз ёғида ўзи қовурилиб келаётгани"ни, жумладан, сўз кетаётган Ассамблеяга бориб, ўз дардларини айтаётганларини юқорида урғуланган "парчалаб, ҳукмронлик қил" қоидасининг нафақат минтақамиз, балки ислом дунёси миқёсидаги "тантанаси" нуқтаи назаридан бош қотирган афзалдир. Хуллас, бу борада қилинадиган ишлар, йўқ қилиниши лозим тўсиқлар кўп. Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб олға сурган ғоя ва ташаббуслари ушбу ўта қийин, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслиги аниқ жараённинг бошланиши бўлишига шубҳа қилмаймиз. Хўш, бу вазифалар нималарда ўз аксини топиши лозим?

Уларнинг биринчиси давлатимиз раҳбарининг **"Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз"** сўзлари билан боғлиқдир. Негаки, **"Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади"**. Бизни, дея давлатимиз бошлиғи барча халқларни, умуман башариятни кўзда тутдилар, деб ишонамиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Негаки, том маънодаги дин ижобий ҳодисадир. У ирқ, миллат, юрт, дунёқараш танламайди, барчага бирдек эзгулик элтади, тинчлик соғинади. Акс ҳолда у жаҳолат манбаидир. Демак, динмас!

Иккинчидан, Президентимизнинг **"Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз"** шартлари ва огоҳлантиришлари дадиллик намунаси бўлибгина қолмай, ялпи, минтақавий, икки томонлама муносабатларда ислом омилини сиёсат кўғирчоғига айлантириш, шу тарика тегишли давлатлар, мамлакатларга таъсир кўрсатиш ўйинлари қатъий қаршиликка учрашини билдириб қўйишдир, деб санаймиз. Негаки, ҳар қандай диний эътиқод, маданият, анъана, тарихий босқич, шахсларни қоралаш аслида унинг эгаси бўлмиш миллат ва давлатни ерга уриш, обрўсизлантириш, яккалаб қўйиш, руҳан синдиришдан ўзга нарса эмас. Демак, ислом динини зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўйиш аслида биз ўзбеклар ва Ўзбекистонни ҳам оёқ ости қилишга уринишдир. Табиий равишда, биз бунга кўнмаймиз.

Учинчидан, **"Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман"**, деди давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, ислом цивилизацияси бу мусулмончилик диний таълимотигина эмас, балки деярли бир ярим минг йил мобайнида Ер юзи қуруқлигининг тўртдан бир бўлагида кечиб келаётган довруқли сиёсий, иқтисодий, айниқса илмий, маданий муносабатларни мужассамлаштирган, тенгсиз кашфиётлар содир бўлган, инсониятнинг ҳозирги тараққиёт даражасининг ҳақли пойдеворларидан бири ўлароқ воқеликдир. Ҳеч ким инкор этолмайдиган мазкур таъкид алоҳида мақола мавзуси бўлгани учун унга оид ҳужжатли далилларни келтириб ўтирмаймиз. Фақат, илм-фан тарихини ўрганган ғарблик олимларнинг IX-XII асрларда Шарқ мамлакатларида (асосан марказий-осиёлик олимлар ишларида) олинган натижалар кейинчалик кўп жиҳатдан Европа илм-фани учун пойдевор бўлганига оид иқрорларини, замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари тўлиқ дастур – Муҳаммад Хоразмий математика фанида асос солган янги объект – алгоритм қоидасига кўра ишлашини, сонларнинг XVI асрдан Европада, XVIII асрдан Россияда тўлиқ қўллана бошланган Хоразмийча белгилари (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) барча соҳалар, айниқса илм-фан, иқтисодиётда бурилиш ясаганини (АҚШ мустақиллигининг юз йиллиги шарафига 1876 йили Нью Йоркда ўрнатилган Озодлик ҳайкали ёзувидаги римча MDCCLXXVI дан кўра Хоразмийча 1776 нинг фарқи ва афзаллигини уқдиришга ҳожат бўлмаса керак) эслатиб ўтамиз, холос.

Миллий етакчимизнинг Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи Имом Бухорий, унинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилаётгани, шунингдек Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси маркази очилаётгани ҳақидаги баёнотларининг тарихий, керак бўлса, сиёсий, маънавий аҳамиятини тушунган одам тушунади. Мавриди келганда айтиш жоиз, Туркия президенти Режеп Таййиб Эрдўғоннинг ҳали биронта давлат раҳбари БМТ минбаридан туриб ислом қадриятларини бу қадар жасорат билан ҳимоя қилмагани, ҳеч қачон Имом Бухорий номини тилга олмаганига тан бериши бежиз эмас, албатта. Шу муносабат билан ўринли савол туғилади: нега аҳвол шундай бўлиб келди? Жавоби ўзбекона айтганда шундай: бўлинганни бўри ер, парчаланган нима ҳам дер!

Яна бир асосли гап: кишилик цивилизациясининг, жумладан, илмий-маърифий, маънавий ривожига улкан ҳисса қўшиб келган ўзбек миллати ва давлати ана шу мерос ва қадриятларни кўз қорачиғидай қўриқлашга ҳар жиҳатдан ҳақлидир! "Зар қадрини заргар билади", деганларидек, ислом цивилизациясининг бешикларидан бири саналмиш Ўзбекистон мазкур мерос ва қадриятларнинг асл қимматини ва қудратини бошқалардан кўра яхшироқ билади! Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи, унинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат бўлиши, мазкур ҳужжат бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган бўлиши, ҳақидаги оқилона ва амалий таклиф айнан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилганлиги асосли ва табиийдир.

Террорчиликка келсак, агар чиндан ҳам уни йўқотиш илинжи бўлса, Ўзбекистон раҳбари таклиф этган йўлдан ўзга самаралиси йўқ: унинг оқибатлари билан эмас, асосий сабаблари билан курашиш керак. Сабаблар ҳам ҳам кўрсатиб берилди: хусусан, жаҳолат, муросасизлик ва зўравонлик. Улардан қутилиш чоралари ҳам кўрсатиб берилди: ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш. Бунинг учун қуруқ таъкид ва баландпарвоз даъватлар эмас, ер юзидаги 7,6 миллиард аҳолининг 2 миллиардини ташкил этувчи ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш лозим. Яъни дунё ҳамжамияти бу борада ўз стратегияси ва ҳаракатлар дастурига эга бўлиши керак!

Миллий етакчимиз ўз нутқиини **"Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз"** ургуси билан якунланида ҳам ҳикмат бор. Бу ҳикмат қулфи нутқнинг бошланишидаёқ эълон қилинган, **"Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳатларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз"** калити билан очилади. Яъни ҳар қандай мақсад, ҳаракат, тадбир ўзбегим манфаати билан бошланади ва тугалланади.

Миллат ва давлатни юксалтирувчи омил аслида ҳам донишмандлик эмасми?!



Азамат ЗИЁ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор

Ташаббус натижа берди

ИККИ ҲОЛАТ, ИККИ МАНЗАРА

ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИДАГИ ШАМУН НАБИЙ МАҚБАРАСИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Юртимиз тарихидан сўзловчи, аждодларимиздан мерос қадамжолар, обидалар, маданий объектлар ўз кўрку маҳобати, сир-асрори билан барчани ўзига жалб этиб келади. Минглаб ана шундай маданий мерос объектларини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, уларнинг тарихини, сир-синоатини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, энг асосийси, бундай нодир бойликларимизни келгуси авлодларга ўз ҳолича етказиш муҳим вазифадир.



Шамун Набий мақбарасининг аввалги ҳолати



Мақбаранинг бугунги кўриниши

Партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари ҳамда партиямиз фаоллари ҳудудлардаги турли даврларга оид ноёб маданий, тарихий обидалар, ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида сидқидилдан иштирок этмоқда. Уларни муҳофаза қилиш масалаларига кўмаклашилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган кўплаб маданий ёдгорликлар, археологик объектлар партия гуруҳларимиз ташаббуси билан ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашидаги партия гуруҳи ўтган йили Ўзбекистон Республикаси "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг тумандаги ижросини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳ тузиб, туман ҳудудидаги мавжуд маданий мерос объектларини ўрганган эди. Уларни муҳофаза қилиш, сақлаш ва қайта таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, чегараларини белгилаш, пешлавҳалар ўрнатиш ва давлат кадастри рўйхатидан ўтказиш борасидаги ишларни ўрганиш натижалари асосида таклифлар тайёрланди. Масала халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашининг 2016 йил 7 июнь куни бўлиб ўтган сессияси кун тартибига киритилиб, унда туман маданият ишлари бўлими мудирининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг тумандаги ижроси бўйича ҳисоботи тингланган, сессия қарори қабул қилиниб, қатор мутасадди вакиллар зиммасига долзарб вазифалар юклатилган эди.

Партия гуруҳи аъзолари ушбу қарор ижросини ўрганиш мақсадида аниқ вазифалар юклатилган тегишли мутасаддиларга депутатлик сўровлари юбордилар.

— Депутатлик гуруҳимиз партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ўтган йили ҳудуддаги маданий мерос объектлари, жумладан, Говурқалъа, Жўмард қассоб тепалиги, Гумбаз Шахиб, Ережеп Халифа масжиди, Қириқ чўпон, Мадаминхон, Мазлумхон, Шамун Набий, Шамун Набий боласи мақбараларининг ҳолатини ўрганган эди, — дейди партия гуруҳи аъзоси Хожабой Отажонов. — Ўрганишлар давомида ушбу обидалар атрофини ободонлаштириш, бунинг учун сув олиб бориш, манзарали дарахтлар экиш, объектларга олиб борувчи махсус йўлаклар қуриш, йўл бўйидаги ва объектлар қошидаги пештахталарни қайта ёзиш, ер ости сувларининг салбий таъсирини тўхтатиш, Миздаккон тарихий археологик мажмуасида жойлашган Шамун Набий мақбарасини қайта таъмирлаш, Жўмард қассоб тепалигига зиёратчилар учун чиқиш йўлакларини барпо этиш зарурати мавжудлиги аниқланганди. Партия гуруҳимизнинг ташаббуси сессия иштирокчилари томонидан қизғин муҳокама қилиниб, сессия қарорида бир қатор мутасадди ташкилотларга аниқ топшириқлар берилганди. Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтди. Шу боис партия гуруҳимиз ушбу қарор ижросини ўрганишга киришди. Бу борада юборган депутатлик сўровларимиз асосида маълум бўлдики, маҳаллий бюджет ҳисобидан 2017 йилнинг май ойида Миздаккон тарихий археологик мажмуасида бир қатор ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Шамун Набий мақбарасининг гумбазларини реставрация қилиш ишлари бошланиб, бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Ёдгорликлар қиёфаси буткул янгиланаётир.

Бундан хулоса шуки, сессия қарорлари ижросини мунтазам назорат қилиб бориш партия гуруҳларининг доимий вазифасига айланиши лозим.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
40 (472) 2017 йил 27 сентябрь, чоршанба

Сайёр қабул

ЕЧИМИ ЙЎҚ МУАММО БЎЛМАЙДИ

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ УСУЛИ – САЙЁР ҚАБУЛЛАР ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИШ, МАВЖУД КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари томонидан жойларда ўтказилаётган очиқ мулоқот ва сайёр қабулларда бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Жиззах вилояти. Жиззах вилоят ҳокимлиги ва ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида Зарбдор туманидаги "Адиробод" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган сайёр қабул фуқаролар фаоллигида бўлиб ўтди. Улар турмуш тарзи, яшаш жойидаги мавжуд муаммолар юзасидан мурожаат қилди.

Маҳалла фуқаролари билан суҳбат давомида маълум бўлишича, туман маркази ва Жиззах шаҳрига қатнайдиган жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилмаган. Шу сабабли асосан йўловчи ташиш лицензиясига эга бўлмаган автотранспорт воситалари аҳоли узоғини яқин қилмоқда. Устига-устак улар йўлкира ҳақини ўзлари хоҳлаганча белгиламоқда. Бу эса табиийки, маҳалла аҳлининг норозилигига сабаб бўляпти.

Ушбу масалани ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан туман ички ишлар бўлими ҳамда туман солиқ инспекцияси ходимларига кўрсатма берилди. Йўловчиларни лицензиясиз ташиш билан шуғулланаётган автотранспорт эгаларига нисбатан тегишли чора-тадбир кўриш, яқин кунларда маҳалладан туман маркази ва Жиззах шаҳрига транспорт қатновини жорий этиш ҳамда меъёрий нарх белгиланиши маълум қилинди.

— Маҳалламизга ичимлик суви келтириш лойиҳаштирилганидан хабаримиз бор, — дейди меҳнат фахрийси Ашур Нуралиев. — Бироқ бу лойиҳа амалга оширилгунча ҳам аҳолига сув керак. Айни пайтда маҳаллий "тадбиркорлар" махсус автомашиналарда сув келтириб сотмоқда. Аммо ичимлик суви етказиб бериш бўйича меъёрий нарх белгиланмаган. Бу ишда тегишли тартиб ўрнатиш зарур.

Бу мурожаатни ҳал этиш юзасидан бир неча мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг жавоби, ахбороти эшитилди. Туман ҳокими ва "Сувоқова" идораси раҳбарига маҳаллага ичимлик суви келтиришни тезлаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Кўзда тутилган лойиҳа амалга оширилгунга қадар аҳоли учун ичимлик суви ўз вақтида, арзонлаштирилган нархларда етказиб бериладиган бўлди.

Сайёр қабулда ҳудудда газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам борлиги аниқланди. Адиробод маҳалласи газ тармоқларидан бирмунча узоқда жойлашган. Шу боис 2 минг 642 нафар аҳоли асосан суюлтирилган газдан фойдаланади. Аммо бу борадаги ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилмагани боис, бугунга қадар ҳудудга газ етказиб беришда тез-тез узилишлар кузатилмоқда. Маҳалланинг Замондош кўчасида истиқомат қилувчи ўнга яқин фуқаро суюлтирилган газ учун дастлабки аъзолик тўловида муаммо юзага келаётганини маълум қилди.

Ўрганиш жараёнида ҳақиқатдан ҳам аъзолик учун нархлар сунъий тарзда оширилгани, аҳолидан белгиланган миқдордан бирмунча кўп пул ундирилгани аниқланди. "Зарбдортумангаз" филиали вакилининг сўзларига кўра, битта газ баллонини тўлдириб бериш давлат томонидан 7 минг 440 сўм этиб белгиланган. Аммо айрим баднафс кимсалар унинг устига қўшимча 3 минг 600 сўм нарх қўйиб даромад орттирмоқчи бўлган. Бу ҳам етмаганидек улар газ тақсимлаш ва газ истеъмоли хавфсизлиги қоидаларига мутлақо зид равишда бир неча газ баллонини уйида сақлаб келган. Ушбу масалалар юзасидан тегишли ташкилотлар мутасаддилари томонидан шу ернинг ўзида тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

— Сайёр қабул давомида кўтарилган 20 га яқин муаммо ўз ечимини топди, — дейди "Адиробод" маҳалла фуқаролар йиғини котиби Қаҳрамон Тўлабоев. — Бу тадбир агар аҳолига хизмат кўрсатишга масъул бўлган ташкилотлар ходимлари халқ орасига чиқиб, уларнинг мурожаатларини тингласа, ҳал бўлмайдиган муаммо қолмаслигини кўрсатди. Маҳалламиз аҳли давлатимиз томонидан халқ дардини тинглаб, муаммосини жойида ҳал этадиган бундай самарали тизим йўлга қўйилганидан беҳад мамнун.

Қабулда кўтарилган муаммолар бир кунда юзага келган эмас, албатта. Муаммоларнинг йиллар давомида тўпланиб қолиши замирида тегишли ташкилот ё корхоналар раҳбарлари, ҳудуддан маҳаллий Кенгашларга сайлаган депутатларнинг эътиборсизлиги ҳам ётибди. Шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги ташкилотлар раҳбарларига фақат мурожаатларда кўтарилган масалани эмас, балки ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини оширишга амалий ёрдам кўрсатишга доимий эътибор қаратиш лозимлигини уқтирди.

* * *

Наманган вилояти. ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган сайёр қабуллардан бири Норин туманидаги Фурқат маҳалласида бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари, партия ташкилотлари ходимлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, коммунал хизмат кўрсатиш идоралари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларининг мутасаддилари иштирок этди.

Очиқ ва самимий мулоқот давомида аҳолини ўйлантираётган масалалар кўриб чиқилди. Эътиборлиси, мурожаатларнинг аксариятига шу жойнинг ўзида ечим топилди. Айрим масалалар бўйича учрашув қатнашчиларига тегишли ҳуқуқий маслаҳат берилди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

— Киш мавсумига саноқли фурсат қолди, — дейди "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғини Улуғбек даҳасида яшовчи меҳнат фахрийси Рустамжон Усмонов. — Бу ҳар бир хонадон эгасидан унга жиддий тараддуд кўришни тақозо этади. Биз ҳар йили кўмир таъминоти танқислиги ёки унинг қиммат нархда сотилиши каби қийинчиликка дуч келамиз. Ушбу ёқилғининг ўз нархида сотилиши ва етказиб берилиши назоратга олинса, маҳалла аҳлининг оғири енгил бўларди.

— Биз турган даҳада кўчаларга симёғоч ўрнатилмаган, электр симлари носоз ҳолга келиб қолган, — дейди фуқаро Гулчеҳра Норбоева. — Мазкур муаммони ҳал этиш юзасидан бир неча бор туман электр тармоқлари корхонасига қилган мурожаатимиз натижа бермади. Мавзеимиз ҳудудидаги электр симларини таъмирлаш ва унинг учун 20 таянч устун ўрнатиш зарур.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ғайратжон Тўйчибоев, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари Ҳасанбой Қодиров, Қодирхон Каримов юқорида келтирилган икки мурожаат юзасидан депутатлик сўрови юборилишини ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатиш механизмидан фойдаланган ҳолда ҳал этилишини билдирди.



Улуғбек даҳасида истиқомат қилувчи яна бир фуқаро Иқболой Қодирова ўз мурожаатида онаси 2014 йилда қандли диабет хасталигига чалингани, сўнгги пайтларда марказий поликлиникада давлат томонидан бепул ажратилган зарур дори-дармонлар берилмаётганини, ушбу масалада амалий ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилди. Туман марказий поликлиникасининг участка шифокори Муҳаббат Фозилова беморга шу куннинг ўзидаёқ зарур дорилар етказилишини маълум қилди. Ўша куни онахоннинг уйига керакли дори-дармонлар етказиб берилди.

Беруний кўчаси 61-уйда яшовчи Машҳура Муродова онаси халқ таълими соҳасида узоқ йиллар ишлаб, айни пайтда нафақада эканлиги, сакқиз йилдан бери инсульт хасталиги билан курашиб келаётгани, унга ногиронлик аравасини олиб беришда ёрдам кўрсатилишини сўради. Мазкур мурожаат вилоят ва туман партия ташкилотлари томонидан тез кунлар ичида ижобий ҳал этилиши маълум қилинди.

Сайёр қабулда хонадонларга суюлтирилган газ баллонларини етказиб бериш муддати чўзилиб кетаётганлиги, тумандаги айрим тиббиёт муассасаларидаги таъмагирлик ҳолатларининг олдини олиш, пахта мавсумида теримчилар ва ҳашарчиларига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, маҳалла ҳудудида жойлашган 2-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳовлисига асфальт ётқизиш каби масалалар юзасидан мурожаатлар тингланди.

Наманган вилоятидаги партия ташкилотлари томонидан шаҳар, туман, олис ва чекка манзилларда аҳоли ҳузурида сайёр қабулларнинг ўтказилаётгани, фуқаролар билан мунтазам очиқ мулоқотларни йўлга қўйилгани, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

* * *

Сирдарё вилояти. Сайхунобод туманида ташкил этилган сайёр қабулда Паймард маҳалласи аҳлининг мурожаати тингланди. Мурожаатлар уй-жой, моддий ёрдам, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, болалар нафақаси, ички йўлларни таъмирлаш, суғориш шохобчаларини созлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, кредит олиш масалаларига оид бўлди. Мурожаатларнинг аксариятига шу ернинг ўзида ечим топилди.

— Фарзандим 2016 йилда туғма юрак нуқсони билан дунёга келган, — дейди Одина Янгибоева. — Тошкентдаги тиббиёт марказларига олиб бордим. Шифокорлар операция қилиш зарурлигини айтишди. Оилавий шароитим сабабли операция қилдиришга имконимиз етмади. Фарзандимни даволатиш учун амалий ёрдам беришларини сўраб халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳримурод Исаевга мурожаат қилдим. Депутат соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови юборишини, тез орада мурожаатим ечим топишини маълум қилди.

Паймард маҳалласида яшовчи Қаҳрамон Эгамқуловнинг сўзларига кўра, 2017 йилнинг бошида туман электр тармоқлари корхонаси томонидан маҳаллага электр токини тақсимловчи ва назорат қилувчи трансформатор ўрнатилган. Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас бу трансформатор бузилган. Туман электор тармоқлари корхонаси уни "тузатиб берган"идан сўнг электр токидаги узилишлар яна кўпайди. Мана шу воқеа содир бўлганига ҳам роппа-роса тўққиз ой бўлибди. Ушбу масала юзасидан бир неча мансабдор шахсга мурожаат қилинган, аммо натижа бўлмаган. Сайёр қабулда фуқаро ушбу масалани ўрганиб чиқиб, амалий кўмак беришларини сўради.

Сайёр қабулда 16-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шермуҳаммад Ярлақабов маҳалладаги ичимлик суви тоза эмаслиги, қувурлар чириган, лойқа ва ифлос сувлар унга сизиб кираётганлигини айтиб, яна бир жиддий масалага тўхталди. Унинг айтишича, ўтган йили Паймард маҳалласидан 62 нафар бола гепатитнинг ҳар хил тури билан касалланган. Фуқаро ушбу ҳолат сабабларини ўрганиш ва бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигининг олдини олиш мақсадида туман санитария ва эпедимиология маркази ходимлари ичимлик суви таҳлилини ўтказишини таклиф қилди. Шунингдек, яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларни алмаштиришда ёрдам кўрсатилишини сўради.

Очиқ мулоқотда аҳоли мурожаатларига депутатлар атрофлича жавоб қайтарди. Жойида ҳал этиш имкони бўлмаган мурожаатларнинг амалий ечими юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборишга келишиб олинди. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам зарур тавсиялар берилди.

Тошкент вилояти. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ангрен шаҳри ҳамда Бекобод туманида ташкил этган сайёр қабулларда асосан, аҳоли бандлиги, банкдан кредит олиш, турар жой, коммунал хизмат ва тадбиркорлик фаолиятига оид муаммолар тингланди.

Ангрен шаҳрида бўлиб ўтган сайёр қабулда 61 фуқаронинг мурожаати атрофлича ўрганилди.

Сайёр қабулда мутахассислиги бўйича иш топа олмаган Дукент қўрғонида яшовчи Барно Эргашеванинг муаммоси ҳам ижобий ечим топди. Мазкур масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Абдужаббор Сайдуллаев шаҳар бандликка кўмаклашиш марказига депутатлик сўрови билан мурожаат қилди.

— Шаҳримиздаги саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ишсиз юрган эдим, — дейди Барно Эргашева. — Бугунги тадбирда иштирок этиб, тез орада ишга жойлашадиган бўлдим.

Машҳура Бойматова ўзи яшайдиган Бўстон маҳалла гузарида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи савдо дўкони, сартарошхона ва умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банкидан кредит олиш масаласида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки шаҳар филиали унга кредит олишда амалий ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Бекобод шаҳридаги "Металлург" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган очиқ мулоқот ва сайёр қабулда 21 мурожаат ўрганилиб, аксариятига жойида ечим топилди.

— Маҳалламизда ёшлар учун бирорта тўғарак ёки кутубхона йўқ, — дейди "Металлург" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тожихон Бобоназарова. — Бугунги сайёр қабулда фарзандларимиз дарсдан сўнг вақтини мазмунли ўтказиши учун маҳалла гузарида кутубхона ва турли тўгараклар ташкил этилишини сўраб мурожаат қилдик. Тегишли ташкилотлар мутасаддилари томонидан бу масалага ечим топиладиган бўлди.

Фуқаро Шарифжон Шокировнинг фарзандини иш билан таъминлаш бўйича қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Сайёр қабулда Жасорат кўчаси 22-уйда яшовчи фуқаро Умрзоқ Эргашев маҳалла кўчаларида тунги ёритқич чироқларини ўрнатишда ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилди. Мазкур масала юзасидан шаҳар электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови юборилди.

Бекобод туманидаги "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган очиқ мулоқот ва сайёр қабулда ҳам фуқаролардан кўплаб таклиф ва мурожаатлар тушди.

— Маҳалламиз ҳудудида жойлашган 17-мактабгача таълим муассасаси биноси 1970 йилда қурилган бўлиб, ҳозиргача қайта реконструкция қилинмаган, — дейди "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Абдуваҳоб Эшонқулов. — Муассасада замонавий шароитлар яратиш учун ота-оналар ҳам имкон қадар ҳаракат қилган бўлса-да, куз-қиш мавсумига тайёргарлик олдидан ҳали муаммолар етарли. Масалан, бинолар етишмаслигидан ҳудуддаги барча болани қабул қила олмайди. Шунинг учун қўшимча бино қуриш ва мавжудларини қайта таъмирлаш зарур.

Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида депутатлар томонидан юқори ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Фуқаро Умрзоқ Эргашев маҳалла кўчаларида тунги ёритгичлар йўқлиги аҳоли, айниқса, қариялар ва болаларга ноқулайлик туғдираётгани юзасидан қилган мурожаати ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

— Сайёр қабулларда фуқароларимиз фақат ўз дарду ташвиши билан мурожаат этмасдан, балки кўпчиликнинг муаммоларини кўтариб чиқаётгани уларда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалаётганидан далолатдир, — дейди партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Аҳоли билан бу каби очиқ мулоқот орқали уларга янада яқин бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз, қийнаётган муаммоларини ўрганиш асносида келгусида нималарга аҳамият бериш лозимлиги ҳақида кўп нарсаларни билиб олмоқдамиз.

Шунингдек, очиқ мулоқотда маҳалла фаровонлигини таъминлашда барча фаол бўлиши, тўй маросимларидаги исрофгарчиликни камайтириш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари,
Улуғбек МУСТАФОЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Миллий ғурур

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Сурхондарё — полвонлар юрти. Бу заминдан етишиб чиққан кўп полвонларнинг кураги ер кўрмаган. Катта давраларда суяги қотган, қуёш нурида юзи, тоғу тошларда метин бардоши тобланган ўғлонлар Ватан шаънини, Ўзбекистон номини кўкларга кўтараётир.



Суҳроб Эгамбердиев ҳам полвонлар авлодидан. Жаҳон ареналарида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирмоқда.

1997 йили Термизда туғилган Суҳроб ёшлигида кураш мусобақаларини ҳавас ва ҳаяжон билан томоша қиларкан, кун келиб, ўзи ҳам катта полвон бўлишни орзу қиларди. Бу орзу вақт ўтиши билан уни катта-катта даврааларга бошлаб борди. Кўп полвонлар билан танишди, улардан сабоқ олди. Ўз устида тинимсиз ишлаши секин-аста натижа бера бошлади.

Шу йилнинг 9-13 август кунлари Эроннинг Божнурд шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида қитъамизнинг йигирмадан зиёд мамлакати вакиллари иштирок этди. Мусобақада ҳамюртларимиз ўзлари қатнашган 5 вазн тоифасининг учтасида тенгсиз деб топилди. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида турнир мезбони бўлган Эрондан сўнг иккинчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақада Суҳроб Эгамбердиев ҳам олтин медални қўлга киритиб, турнир ғолибига айланди. У бундан аввал дзюдо, кураш, турон спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган эди. Осиё чемпионлиги эса билдирилган юксак ишонч ва тинимсиз машқлар натижасидир.

Полвоннинг отаси билан суҳбатлашиб, Суҳробдаги тантилик ва мардликнинг илдизларини топгандек бўламиз.

— Суҳробнинг спортга бўлган қизиқиш ва меҳрини болалигидан билганим боис унга имкон қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қилдим, — дейди Эшпўлат Эгамбердиев. — Ўғлимнинг республика мусобақаларида илк маротаба иштирок этиши олдидан унга бир гап айтганман: мукофот ё соврин учун даврага тушма, тушсанг ор учун, номус учун туш! Мана бугун энг оғир вазн тоифасида Осиё чемпиони бўлиб, кўнглимизни тоғ қилиб турибди.

Тоғдек келбатли Суҳроб жуда меҳрибон ва соддадил йигит. Ҳақиқий ўзбек полвони шундай бўлади аслида. Даврага тушгач, ҳақиқий курашчига айланади. Спортчи доим даврада ҳалол ва ғирромнинг ўртасида туради. Халқимизнинг миллий спорт тури ҳисобланмиш кураш мана шундай инсоний фазилатларни ўзида жам қилгани ва фарзандлар қалбига ёшлигидан эзгулик уруғларини қадаб келиши билан ҳам ардоқлидир. Шу боис бу спорт турига одамларимиз чексиз ҳурмат ва эҳтиром, ўзгача меҳр билан муносабатда бўлишади. Тўйларда кураш мусобақаларини уюштириб, полвонларни даврада синашади.

— Даврага тушган полвоннинг қалбида ўзгача кечинмалар ҳукмрон бўлади, — дейди Суҳроб Эгамбердиев. — Буни сўз билан ифодалаш мушкул. Вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда бу ўй-ҳаяжон бироз енгилроқ бўлиши мумкин. Аммо жаҳон ареналарида Ватан шаънини ҳимоя қилиш тамоман бошқа масала. Бутун бошли ўзбек халқи, она юртинг сенга умид кўзларини тикиб турганини ҳис этиб, елкангдаги масъулият ва вазифа юз чандон ошиб кетганини кўнглингдан ўтказасан. Бу эса ҳақиқатда сенга куч бағишлайди ва рақибларингни "ё, пирим", деб елкангдан оширасан...

Суҳроб Эгамбердиевнинг ютуғи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам ютуғидир. Боиси у ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг фаол аъзоси ҳисобланади. Ғалаба билан уйига қайтаётган полвонни кутиб олиш маросимида кенг жамоатчилик билан бирга ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши вакиллари ҳам иштирок этиб, унга улкан зафарлар тилади.

Курашни севадиган, ўзи ҳам даврааларда қатнашиб юрадиганлар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасини ўқимаган инсон йўқ ҳисоби. Асарда мард полвоннинг ўй-кечинмалари, даврага тушганида кўнглидан ўтадиганлари кучли маҳорат билан тасвирланган. Асар қаҳрамони Бўри полвоннинг "...Ҳар бананинг кўкда ўз юлдузи бўлади, ошна. Шу юлдузнинг ёнгани — шу бананинг ёнганидир... Юлдузим мангу ёнади!" деган гаплари эса полвонлар авлодига янгидан янги куч бағишлаб, улкан зафарлар томон чорлайверади.

Суҳробнинг орзулари бир дунё. У айни пайтда ўз устида ишлаш, мусобақаларда мунтазам иштирок этишни бир зум бўлса-да, тўхтатгани йўқ. Кейинги марра аниқ: жаҳон чемпиони бўлиш! Суҳроб Эгамбердиевга бундай эзгу ният йўлида улкан зафарлар тилаб қоламиз ва ишонамизки, у, албатта, жаҳон биринчилигида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, Ватан байроғини кўкларга кўтаради.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР — ЮРТНИ ШАРАФЛАР!

2017 йилги спорт мавсумида Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) вакиллари мамлакатимиз ўсмирлар, ёшлар ва миллий терма жамоалари таркибида нуфузли халқаро мусобақаларда 69 медални, республика миқёсида бўлиб ўтган баҳсларда 420 медални қўлга киритди. Клуб спортчиларининг 8 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 46 нафари халқаро тоифадаги спорт усталаридир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ҳарбий спортчиларнинг Ўзбекистон ва жаҳон спорти мусобақаларидаги ютуқлари" мавзуида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мудофаа вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда мамлакатимиз терма жамоаларига юқори тоифали спортчиларни тайёрлашда Марказий ҳарбий спорт клубининг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди.

— Ҳарбийларимизнинг мусобақаларда бундай юқори натижаларни қўлга киритишида, аввало, ҳарбий қисмларда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароитлар замин яратмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Бош штаби Қўшинлар жанговар тайёргарлиги бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Азиз Ҳайдаров. — Спорт анжуманларида нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари ҳам машғулот ўташлари мумкин.

Бугун оммалашаётган ҳар бир спорт турини Марказий ҳарбий спорт клуби мунтазам ўзлаштириб бормоқда. Ҳозирда ҳарбий спортчиларни ҳар томонлама чиниқтирадиган ва уларнинг жанговар ҳолатини яхшилашда қўл келадиган регби ҳам ҳарбий спортчиларнинг севимли спорт турига айланган.

И. ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Барча устоз-мураббийларни, таълим соҳаси ходимларини



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

билан самимий кутлайди.





Ўз меҳнати ва фидойилиги билан элда эъзоз топган устоз ва мураббийларнинг эзгу интилишларида улкан зафарлар тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Маҳсулот сертификатланган

Тақдимот

ЁШЛАР ИЖОДИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

АДАБИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий камолотга етиши учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яратишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу жиҳатларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг илк китобларини кўп минг тиражда чоп этаётганида ҳам кўриш мумкин.



Бу йил ҳам юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган 21 нафар ёш ижодкорнинг 19 номдаги илк китоблари нашр этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларнинг "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилган илк тўпламлари тақдимотида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоирлари М.Тоир, И.Мирзо ва бошқалар мамлакатимизда ижод аҳлига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, ёш авлод маънавиятини, китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги амалий ишларда алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлади. Қайд этилганидек, ушбу илк тўпламлар давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган пайтда нашр этилгани нур устига нур бўлди.



Ушбу тўплам муаллифлари 2016 йилда "Дўрмон" ижод уйида бўлиб ўтган "Истеъдод мактаби VIII" ёш ижодкорларнинг республика семинарида иштирок этган эди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган ушбу адабий анжуман адабиётга ўз сўзи ва бетакрор овози билан кириб келаётган кўплаб истеъдод эгаларини кашф этмоқда. Уларда қатнашган ёш қаламкашларнинг илк китоблари давлат ҳисобидан нашр этилиб, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, турли ижодий-маърифий ташкилотларга, ўқув даргоҳлари, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказларига етказилди.

— "Истеъдод мактаби", Зомин семинари ва шунга ўхшаш кўплаб "нафис мажлислар" юртимиз ижодкор ёшларини кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш бўлими адабий маслаҳатчиси, шоира Фароғат Худойқулова. — Келгусида бундай семинарларни ҳар бир ҳудудда ўтказишни режалаштирганмиз. Бу ҳам ёшларга, уларнинг ижодига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

— Илк ижод намуналаримиз китобча ҳолида нашр этилганидан ғоят мамнунмиз, — дейди наманганлик шоира Манзура Абдуллаева. —Билдирилган бундай ишончга муносиб бўлиш, уни оқлаш бурчимиздир.

Тақдимотда сўзга чиққан ёш қаламкашлар мамлакатимизда истеъдодлар сафини кенгайтириш, уларга кўмак кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги эътибор учун миннатдорлик билдирди.

* * *

Адабиёт ихлосмандлари учун янги китоб тақдимоти чинакам байрам саналади. Пойтахтимиздаги "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ойгул Муҳаммад Жиян қизининг "Академнашр" нашриёти томонидан чоп этилган "Менинг Тожмаҳалим" асари тақдимоти китобхонларда ана шундай таассурот қолдирди.

Муаллиф ўзининг "Жаннат қуши" романи, "Дарвеш аёл" шеър ва достонлар тўплами билан адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Нашрдан чиққан мазкур бадиий-публицистик рисола ижодкорнинг учинчи китоби.

Муаллиф глобаллашув шароитида Ғарбдан кириб келаётган турли ёт қарашлар, сохта маданият тажовузи ва ахлоқсизликларга ёшлар ўртасида умуминсоний қадриятлар, асрий анъаналар ва ҳақиқий севги-муҳаббат туйғуларини камол топтириш орқали қарши туриш мумкин, деб ҳисоблайди.

Асарда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, туманлар марказларида ёшлар сайр ва зиёрат қиладиган севимли гўшаларда "Тоҳир ва Зуҳра", "Алпомиш ва Барчиной", "Шоҳсанам ва Ғариб", "Отабек ва Кумуш", "Мирзо Анвар ва Раъно" номи билан аталадиган хиёбонлар бунёд этиш таклифи илгари сурилади.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

БРОНХИАЛ АСТМА — СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИК

Бронхиал астма (кўксов) бугунги кунда кенг тарқалган ва амалда батамом даволаниши мумкин бўлмаган хасталик саналади. Бу хасталикка ёш болалар ҳам, катта ёшли одамлар ҳам бирдек чалиниши мумкин. Бронхиал астма нафас йўлларининг сурункали касаллиги бўлиб, у яллиғланиш жараёни билан кечади. Яллиғланиш пайтида бронхларнинг сезувчанлиги ортиб, оқибатда бронх-ўпка тизимида ўзгаришлар юзага келади. Бу ўзгаришлар беморларда такрор-такрор нафас қисиши, ҳансираб қолиш, кўкрак қафасида хириллаш ва оғриқ пайдо бўлишига ҳамда кечалари йўтал хуружига олиб келади. Касалликни одатда аллергия келтириб чиқаради.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ёш болаларда кўксовнинг бошланишини пайқаш жуда мушкул кечади. Бу хасталикнинг олдини олиш учун кўксовнинг илк аломатлари пайдо бўлиши билан болани дарҳол шифокор ҳузурига олиб бориш зарур. Одатда бола энтикиб, нафас олиши қийинлашиши, тунда ва саҳарда ҳуштаксимон нафас олиши каби аломатлар бронхиал астманинг ривожланишидан дарак беради.

Бир ёшга тўлмаган гўдакларда бронхиал астма озиқ-овқат ёки турли дори-дармон таъсирида кучга кирадиган аллергенлар воситасида юзага келади. Бир ёшдан ошган болаларда эса кўксов замбуруғлар ёки маиший шарт-шароитларда пайдо бўладиган аллергенлар таъсирида ривожланиши мумкин. Уч-тўрт ёшли болаларда аллергияни турли хил ўсимликларнинг чанги келтириб чиқаради.

Аллергияга мойиллик наслий характер касб этиши, бундан ташқари, ҳомиладорлик даври ўтадиган шарт-шароитлар (жумладан, ота-оналар ёхуд яқин қариндошларнинг тамаки чекиши), инфекциялар таъсирида ривожланиши мумкин. Кўксов ривожланяпти, деган эҳтимол пайдо бўлса, дарҳол шифокор-аллергологга мурожаат қилиш керак. Мутахассис клиник кузатувдан сўнг керакли чора-тадбирларни кўради.

Бронхиал астмани даволаш учун бирламчи касалликни келтириб чиқараётган инфекцияларга қарши тегишли антибиотиклар тайинланади. Кўксов хуруж қилган пайтларда махсус тиббий мосламалардан қандай фойдаланиш лозимлиги маълум қилинади. Сўнгра бронхиал астма хуружини келтириб чиқараётган аллерген аниқланиб, иложи борича беморни улардан ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилади.

Бронхиал астма касаллигида занжабил дамламаси фойдали. Бунинг учун бир литр сувга 2,5 сантиметр узунликдаги 4-5 бўлак занжабил новдасини солиб, беш дақиқа қайнатиш ва кун давомида ичиш тавсия этилади. Ёки тузли сувда қайнатилган занжабилга бир чой қошиқ асал, тўрт чой қошиқ ёввойи майса уруғини қўшиб қайнатиш ва тун бўйи тиндириш лозим. Дамламани ҳар куни эрталаб уйғонгандан кейин ва кечқурун уйқудан олдин ичиш нафас йўлларининг очилишига ёрдам беради. Касаллик хуруж қилган вақтда қаҳва ичиш ҳам фойдали. Чунки иссиқ қаҳва бронхларни юмшатиб, нафас олиш йўлларини очади.

Пиёз ҳам энг яхши дармондори. Бронхларда осойишталикни таъминлаш учун 400 грамм пиёз, 150 грамм сариёғ, шакар, асал ва алоэ шарбатини бир идишга солиб, паст оловда узоқ қайнатиш керак. Тайёр бўлган шарбатни овқатдан кейин истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Бу аралашма хуруж вақтида бўғилиб қолишдан сақлайди.

РЕКЛАМА

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
"Асака" банк
2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МАНФААТЛИ-2017"
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Тадбир

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Бугунги глобаллашув даври, чегара билмас ахборот асрида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, тарихий, маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш,ёшларимизни "оммавий маданият", мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни кучайтириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш, таҳдидларга қарши амалий таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Ёшлар ижод саройида Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Тадбир доирасида Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан миллий ғоя тарғиботига оид амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан меморандум имзолади.

Тадбирда таъкидланганидек, имзоланган меморандум — ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад — ёшларимизда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, уларда тарихий мерос ва миллий қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва ғурур уйғотиш, мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ҳамда тарқатишнинг олдини олиш, навқирон авлодда болаликдан китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш бўйича кенг кўламли илмий-назарий, маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат.

Тадбирда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Исломжон НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

● Ер юзидаги энг чуқур жой — Тинч океанидаги Мариана ботиғи бўлиб, унинг чуқурлиги денгиз сатҳидан 10 минг 994 метр паст.

ТУРФА ОЛАМ

РОБОТ МУСИҚА ЁЗДИ



Янги зеландиялик мусиқачи Найжел Жон Стенфорд саноат роботлари ёрдамида ёзилган Аутоматика номли альбомни тақдим этди, дейилади "www.cnet.com" сайтида.

Ундан 12 та мусиқий композиция жой олган. Роботлар "Kuka Robotics" фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Стенфорд гаражда роботларга мусиқа асбобларини чалишни бир ой ўргатган. Альбом чиқишидан олдин бастакор ўзининг махсус мусиқа учун ишланган клипини "YouTube"га жойлади. Клипда мусиқачи роботларни пианино, барабан, бас-гитара чалиш ва дижейлик пультида ишлаш учун созлаётгани акс этган.

Бундан аввалроқ робот биринчи марта симфоник оркестрга дирижёрлик қилгани ҳақида хабар берилган эди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚЎЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 916, Адади — 5175. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Сахифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Ўзга якуни — 23.50. Топширилди — 00.40.
ISSN 2010-7714
1 2345